

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВ НУТФИЛЛО САЛИМОВИЧ**

**ТУРИСТИК ҲУДУД БАРҚАРОР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА  
ЭРИШИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Ибрагимов Нутфилло Салимович**

Туристик худуд барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий  
асослари..... 3

**Ибрагимов Нутфилло Салимович**

Научные основы достижения устойчивой конкурентоспособности  
туристического региона..... 37

**Ibragimov Nutfillo Salimovich**

Scientific basis for achieving sustainable competitiveness of the tourist  
destination ..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 75

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВ НУТФИЛЛО САЛИМОВИЧ**

**ТУРИСТИК ҲУДУД БАРҚАРОР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА  
ЭРИШИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Iqt176 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида ([www.sics.uz](http://www.sics.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тухлиев Искандар Суюнович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Сафаров Баходирхон Шахриёрович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Махбуба Тойчиевна  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «3» XII соат 1439 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (998 66) 233-19-84, (998 66) 233-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (633 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-34-76, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «19» XI соатида қўйиб тарқатилди.  
(2021 йил «19» XI даги 9 рақамли регистр асосида).



М.Э. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.М. Муҳаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда туризм соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиб, мезо ва макро кўламдаги туристик ҳудудлар ўзаро шиддатли рақобат муҳитида бўлган айтилган даврда барқарор рақобатбардошликка эришиш масаласи бирламчи аҳамият касб этмоқда. Айтилган, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали туристик ҳудудларнинг барқарор рақобатбардошлигига ва ҳудуд иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига эришилмоқда. 2019 йил натижаларига биноан, «туризмда кўрсатилган хизматлар глобал ЯИМнинг 10,3%ни ташкил этиб, 8,9 трлн. АҚШ долларига етган, шунингдек соҳада бевосита ва билвосита 330 млн. киши банд бўлиб, 10 иш ўрнидан биттаси туризмга тегишли»<sup>1</sup>. Шунинг учун туристик ҳудуд сифатида глобал даражада ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарорликни сақлаган ҳолда рақобатбардошликка эришиш устуворликка эга бўлиб, туристик ҳудудларни барқарор ривожланиш концепцияси асосида бошқаришга оид методологияни такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳонда глобаллашув шароитида туристик ҳудудлар барқарор рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан ривожлантириш, туристик потенциалга эга шаҳар ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш эвазига фаровонлигини оширишга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан қиёсий ва рақобат устунликлари асосида туристик ҳудуд рақобатбардошлигига оид назарий билимларни кенгайтириш, туризм бошқарувини саёҳат эҳтиёжи туғиладиган, дестинация ва ахборот маконлари доирасида такомиллаштириш, турмаҳсулотни ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат занжирининг улушини маҳаллий туризм субъектлари томонидан жорий қилинган рақамли банд ва харид қилиш тизимлари асосида ошириш, туристик оқимни шакллантирувчи инновацион воситалар (маҳаллий турагент, виртуал гид, кенгайтирилган реаллик)ни киритиш эвазига туристик хизматларни диверсификация қилиш, туристик ҳудуд брендини слоган, лого ва туристик ҳудуд номи элементлари асосида тоифалаш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар шароитида иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш»<sup>2</sup> муҳим йўналишлар сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг

<sup>1</sup><https://wtcc.org/Research/Economic-Impact> (EIR\_2020\_Data\_Tables\_Top\_20\_Final.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон. 70-модда.

самарали бажарилиши, туристик ҳудудларни барқарор ривожлантириш асосида рақобатбардошликка эришиш методологиясини ишлаб чиқиш, туризмда рақобатнинг функционал, турдош ва ишлаб чиқарувчилараро турларини илмий асослаш, туризм соҳасида яратиладиган қўшилган қийматнинг маҳаллий даражадаги улушини ошириш йўллари асослаш, расмий, қисман расмий ва норасмий ахборот маконларда виртуал истеъмолчилар кўламини кенгайтиришда рақамли маркетинг воситаларидан кенг фойдаланиш, маҳаллий, миллий ва глобал даражада туристик ҳудуд брендларини ишлаб чиқиш ва уларни кўлами, лого шакли, географик жой номи элементлари асосида тоифалаш методологияларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сон «2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5054-сон «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Туристик ҳудудни барқарор ривожлантиришга бағишланган илмий

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи University of Melbourne (Австралия), The University of Calgary (Канада), World Tourism Education and Research Centre, School of Leisure and Food Management Sheffield Hallam University (Буюк Британия), International Centre for Tourism and Hospitality Research, Bournemouth University (Буюк Британия), Queensland University of Technology (Австралия), Korea

тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Melbourne (Австралия), The University of Calgary, World Tourism Education and Research Centre (Канада), School of Leisure and Food Management Sheffield Hallam University (Буюк Британия), International Centre for Tourism and Hospitality Research, Bournemouth University (Буюк Британия), Queensland University of Technology (Австралия), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Bocconi University (Италия), Università di Trento (Италия), Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд давлат университети, «Ипак йўли» туризм халқаро университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтлари (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Туристик ҳудуд барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий асосларига оид тадқиқотлар жараёнида қуйидаги илмий натижалар олинган: туристик ҳудуд рақобатбардошлиги ва барқарорлиги модели қиёсий ва рақобат устунликлари ёндашуви асосида ишлаб чиқилган (The University of Calgary, Канада); туристик ҳудудларни бошқаришнинг туристик портал модели ишлаб чиқилиб, уларнинг сифатини баҳолашнинг 2QCV2Q услубиёти ишлаб чиқилган (Università di Trento, Италия); туризмни барқарор ривожланиш концепцияси асосида ижтимоий, иқтисодий, экологик ва институционал ривожлантириш орқали рақобатбардошликка эришиш қонуниятлари асосланган (University of Melbourne, Австралия); рақамли иқтисодиётдаги номувофиқлик концепцияси яратилган ва унинг туристик ҳудуд барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган (Bournemouth University, Буюк Британия); тармоқ назарияси ишлаб чиқилган ва туристик ҳудуд ривожланишига таъсири баҳоланган (Bocconi University, Италия); туристлар талабини қондиришнинг иқтисодий, социопсихологик, демографик ва экологик жиҳатлари уйғунлиги асосланган (Korea Development Institute, Жанубий Корея); глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш орқали малакат туристик жозибадорлиги ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқариш самарадорлигининг ошишига эришилган, ҳудудий туризм бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари такомиллаштирилган (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети – Ўзбекистон Республикаси).

Туристик ҳудуд барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий асослари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, жаҳонда глобаллашув шароитида туризмни бошқаришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш; туризм инфратузилмасини такомиллаштириш; туристларни жалб этишнинг

---

Development Institute (Жанубий Корея), Bocconi University (Италия), Università di Trento (Италия), Российский новый университет, Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд давлат университети, «Ипак йўли»туризм халқаро университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти веб-саҳифалари ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

маркетинг стратегияларини ривожлантириш; туризм хизматларини стандартлаштириш ва сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига мос таснифларни амалга ошириш; минтақаларда туризм тармоғида замонавий жараёнларни қўллаган ҳолда туристик хизматлар самарадорлигини ошириш услубиятини такомиллаштириш; инновацион маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказо.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда туристик ҳудудларни барқарор ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлиги, барқарор ўсиш ва туризмда рақобат назариялари, туризм соҳасини ривожлантиришда тизимли ёндашув, туристик ҳудудларнинг қиёсий ва рақобат устунликлари, атроф-муҳит муҳофазаси, нарх, маҳаллий аҳолининг туризмни ривожлантиришдаги ўрни омили каби масалалар хорижий олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган. Жумладан, V. Della Corte, U.Martini, M.Franc, G.Crouch, M.Porter, S.Hassan, L.Dweyer, Ch.Kim, E.Azzopardi, D.Gomezelj, B.Bramvel, T.Mihalic кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ<sup>4</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида туристик ҳудуд рақобатбардошлиги муаммосининг назарий ҳамда услубий жиҳатлари Н.С.Морозова, В.С.Сенин, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, В.А.Квартальнов, Ю.Ф.Волков каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда олимлар томонидан туристик ҳудуд рақобатбардошлигига геоиктисодий ва кутблашув назариялари асосида эришиш ҳамда барқарор ривожланишнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик омили кенг ўрганилган<sup>5</sup>.

Ўзбекистонлик олимлардан М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Н.Тухлиев, Д.Х.Асланова, Б.Н.Наврўз-Зода, Д.К.Усманова, А.Норчаев, Б.Х.Тўраев, О.Х.Ҳамидов, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, А.А.Эштаев, М.Т.Алиеваларнинг тадқиқотлари туристик

---

<sup>4</sup>Valentina Della Corte, Mauro Scierelli, Destination management e logica sistemica: un confronto internazionale. G.Giapichelli Editore – Torino, 2012. 215 pp.; Martini, Umberto. *Management dei sistemi territoriali: Gestione e marketing delle destinazioni Turistiche*. Vol. 27. G Giapichelli Editore, 2015.; Franch, Mariangela, et al. «4L tourism (landscape, leisure, learning and limit): responding to new motivations and expectations of tourists to improve the competitiveness of Alpine destinations in a sustainable way» *Tourism review* 63.1 (2008): 4-14 pp.; Crouch G. I., Ritchie J. R. B. Tourism, competitiveness, and societal prosperity // *Journal of business research*. – 1999. – Т. 44. – №. 3. – 137-152 pp.; Porter, Michael. *The competitive advantage of nations*, Macmillan: London. -1990. 250 pp.; Hassan, Salah. “Determinants of Market Competitiveness in an Environmentally Sustainable Tourism Industry” *Journal of Travel Research*, 38 (February): 2000, 239-245 pp.; Dwyer, Larry, and Chulwon Kim. “Destination Competitiveness: determinants and indicators” *Current Issues in Tourism*, 2003, 6 (5): 369-414 pp.; Azzopardi E. The international competitiveness of Malta as a tourist destination: дис. – 2011.; Doris Gomezelj Omerzel, Competitiveness of Slovenia as a Tourist Destination. *Managing Global Transitions* 4 (2): 2006, 167–189 pp.; Bramwell B., Lane B. Critical research on the governance of tourism and sustainability // *Journal of Sustainable Tourism*. 2011. № 19(4/5). 411–421 pp.; Mihalic, T., 2000. Environmental management of a tourist destination: a factor of tourism competitiveness. *Tourism Management*, 21(1), 65-78 pp.

<sup>5</sup>Морозова Н.С.Теория и методология формирования и развития конкуренции в туризме // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - Сочи 2012, 46 с.; Сенин В.С. Организация международного туризма // М.: «Финансы и статистика» 2004, - 379 с.; Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма // М.:2005. 151 с.; Квартальнов В.А. Туризм: // - М.: Финансы и статистика, - 2003. 320 с.; Квартальнов В.А. Туризм: теория и практика: Избранные труды: В 5ти. т. // -М.:Финансы и статистика, 1998; Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса // Изд. 2-е.- Ростов н/Д.: Феникс, - 2005. 380 с.



худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли масалаларига бағишланган<sup>6</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган олимлар туристик худудларни барқарор ривожлантириш, туристик кластерларни шакллантириш асосида рақобат устунлиги ва синергетик самарага эришиш, рақамли маркетинг воситаларидан кенг фойдаланиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мамлакат жозибадорлигини ижтимоий тармоқлардаги фаоллик орқали ошириш каби масалаларга кенг тўхталиб ўтганлар. Аммо барқарор ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик омиллари асосида моно, мини, микро, мета, мезо, макро ва мега рақобатбардошликка эришиш масалалари, туризм тизимининг уч маконли парадигмаси, рақамли иқтисодиётдаги номувофиқлик муаммолари, туристик худудларда брендинг фаолиятлари етарлича ўрганилмаган. Қийсий ва рақобат устунликлари асосида туристик худуд рақобатбардошлигига оид назарий билимларнинг шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш, саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси асосида Ўзбекистон туристик рақобатбардошлигини ошириш йўллари аниқлаш, туризмни барқарор ривожлантириш концепциясини жорий қилишнинг уч тамойили, мамлакат доирасида туризм таклифи тизимининг уч маконли парадигмасини ишлаб чиқиш, туристик худуд рақобат турлари, 7М кўлами ва рақобатбардошликнинг тизимли, геоиқтисодий, дестинацион маркетинг ёндашувларини илмий асослаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

---

<sup>6</sup>Пўлатов М.Э. ва бошқалар. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти) //Ўқув қўлланма.Т.: Фан ва технология, - 2018. 296 б.; Қудратов Ғ.Х., Ҳошимов М. Буёқ Ипак йўлида туристик сервисни амалга ошириш масалалари // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, - 2008. Б.105-111; Пардаев ва бошқалар. Туристтик корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили. Самарқанд, СамИСИ, 2019. – 268 б.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. С.4-9; Наврўз-Зода Б.Н умумий тахрири остида. Туристтик худуд рақобатбардошлиги //монография – Бухоро, 2017. 150 б.; Тухлиев И.С ва бошқалар. Туризм асослари //Ўқув қўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. 247 б.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш //– Т. «Иқтисод-молия». 2010. 263 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана //–Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, -2006. 386 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития //–Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. 416 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма // –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. 386 б.; Усмонов М.Р., Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида) // География фан. ном. дис. автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2003. 25 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари // - С.: Зарафшон 2007. 299 б.; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития // Иқтисод фан. номзоди дис. автореферати. – Самарқанд, СамИСИ, 2009. 25 б.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири // Номзодлик диссертацияси. ТДИУ, 2004 й. 120 б.; Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма // -док. дисс. автореф., 2011. 38 с.; Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар // Монография. – Т.:Иқтисодиёт, 2016. 203 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - С.: СамИСИ, 2017. 265 б.; Сафаров Б.Ш., Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // – Т.: Фан ва технология, 2016, 184 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) // Doctor of science диссертация автореферати. – Самарқанд. 2019. 71 б.; Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) // Doctor of science диссертация автореферати. – Самарқанд. 2019. 78 б.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-04 «Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон туристик ҳудудлари барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий асослари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қиёсий ва рақобат устунликлари асосида туристик ҳудуд рақобатбардошлигига оид назарий билимларнинг шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш;

саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси асосида Ўзбекистон туристик рақобатбардошлигини ошириш йўллари аниқлаш;

туристик ҳудуд рақобатбардошлигининг институционал омили ва давлат томонидан бошқариш моделларининг қиёсий таҳлилин аналга ошириш;

туризмни барқарор ривожлантириш концепциясини жорий қилишнинг уч тамойили, мамлакат доирасида туризм таклифи тизимининг уч маконли парадигмасини ишлаб чиқиш;

туристик ҳудуд рақобат турлари, 7М кўлами ва рақобатбардошликнинг тизимли, геоиктисодий, дестинацион маркетинг ёндашувларини илмий асослаш;

Ўзбекистонда туристик оқимнинг шаклланиш моделлари ва тенденцияларини аниқлаш, туризмни мустақил уюшган туристлар сегментига мослаштириш йўллари ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон туристик макро ахборот маконини «рақамли иқтисодиётдаги номувофиқлик»дан холи қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

рақобатбардош туристик ҳудуд бренди ва имижини илмий асослаш, Ўзбекистон туризм ҳудуди бренди рақобатбардошлигини аниқлаш усуллари ва барқарор ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон туристик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектлар ва уларнинг хорижий ҳамкорлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** туристик ҳудудларнинг барқарор рақобатбардошлигига эришиш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда мантиқий, қиёсий, эконометрик, эмпирик, тизимли таҳлил, анализ, синтез, монографик кузатув, эксперт баҳолаш, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

туристик истеъмол ва бизнес моделларни моно, мини, микро, мета, мезо, макро, мега кўламларда шакллантириш орқали ҳудудларнинг иқтисодий,

ижтимоий, экологик рақобатбардошлигига эришиш жараёнларининг такомиллаштирилган услубияти асосланган;

маҳаллий турагент тадбиркорлик фаолиятини туристик дестинациялар амалиётига киритиш орқали кўшимча туристик хизматларни диверсификациялаш асосида «саёҳат давомийлигини ошириш» методи таклифи асосланган;

туризм тизимининг расмий ([uzbekistan.travel](http://uzbekistan.travel), [uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz)), қисман расмий ([youtube.com/visituzbekistan](https://youtube.com/visituzbekistan)) ва норасмий (Facebook, Twitter, Youtube, Telegram, Intstagram) ахборот контентларини «Матрица усули» асосида ва эксперт баҳолаш негизида ҳудудларнинг туристик макро ахборот майдони жозибадорлигини оширишда «Рақамли маркетинг» воситаларининг афзалликлари далилланган;

туристик ҳудуд брендининг географик бирлик номи, лого ва слоган каби элементларни киритиш орқали брендларни кўлами, таркиби ва логотипнинг шаклига кўра тоифалаш методологияси такомиллаштирилган;

ташқил этилган, мустақил уюшган туристлар сегменти истеъмол қилишга мойил хизматларнинг замонавий турларини аниқлаган ҳолда, Ўзбекистонда 2030 йилгача эҳтиёж ошадиган ҳамда камаядиган асосий ва кўшимча туристик хизматлар прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

туристик ҳудуд рақобатбардошлигининг тизимли, геоиктисодий ва маркетинг ёндашувлари илмий асосланиб, Ўзбекистонда туристик ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг учта йўли ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда туристик ҳудудларни барқарор ривожлантириш асосида рақобатбардошликка эришишнинг моно, мини, микро, мета, мезо, макро ва мега кўламли ишлаб чиқилган;

туристик оқим шаклланишининг инициатив туроператор, ресептив туроператор, банд ва харид қилиш ахборот тизимлари, туристик ҳудуд портали ҳамда маҳаллий турагент моделларининг хусусиятлари аниқланган, маҳаллий турагент моделини Ўзбекистонда жорий қилишнинг ташкилий-иктисодий механизмлари ишлаб чиқилган;

туристик ҳудуд тушунчасига сайёҳни вужудга келтирадиган, ахборот ҳамда саёҳат амалга ошадиган маконлардан иборат тизим сифатида қараш методологияси доирасида туристик ҳудуд брендини шакллантиришнинг имиж, потенциал сайёҳ онгидан жой олиш ва бренд категорияларига ажратилган концептуал модели, ҳудудий брендларнинг кўлами, бренд таркиби ҳамда логотипнинг шаклига кўра тоифалаш методологияси ишлаб чиқилган;

туристик ҳудуд бренд рақобатбардошлигини аниқлашнинг муаллифлик усули асосида 5 та МДХ мамлакатларининг миллий туристик брендларини қиёсий таҳлил қилиш эвазига Ўзбекистон туристик рамзини барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган тадқиқот усул ва ёндашувлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) доирасида ҳар йили эълон қилинадиган

Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги ҳисоботи (Travel and Tourism Competitiveness Report), Жаҳон туризм ташкилоти томонидан ҳар йил эълон қилиб бориладиган расмий статистик маълумотлардан фойдаланилганлиги ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан туристик ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг концептуал асосларининг илмий жиҳатларини янада тадқиқ этиш ҳамда постпандемия даврида мамлакатимизда туризмни ривожлантирадиган рақамли воситаларни яратишга қаратилган тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, диссертациядан олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимиз туристик ҳудудларини барқарор ривожлантириш, туристик хизматлар кўламини кенгайтириш, ноанаъанавий туристик оқимларни жалб қилиш ва уларга мослашган туризм таклиф тизимини шакллантириш, мамлакат туристик имижининг жозибадорлигини ошириш, туристик ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳоли турмуш даражасини кескин ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш, Ўзбекистонга йил давомида ташриф буюриш мумкин бўлган туризмнинг фаол ва инноватив шаклларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида «Туроператорлик фаолиятини ташкил қилиш», «Туристтик дестинацияларни бошқариш», «Экскурсия хизматини ташкил қилиш», «Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги», «Туризмда геоахборот тизимлари» каби фанларнинг ўқув дастурлари, дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларни такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туристтик ҳудудлар барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий асосларига оид олинган натижалар амалиётга жорий этилган, жумладан:

туристик истеъмол ва бизнес моделларни моно, мини, микро, мета, мезо, макро, мега кўламларда шакллантириш орқали туристик ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик рақобатбардошлигига эришиш жараёнларининг методологиясини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 02-16/3028-сонли маълумотномаси). Натижада моно, мини, микро, мезо, мета, макро ва мега кўламда рақобатбардош туристик хизматлар жорий қилинган ва потенциал истеъмолчилар назарида Ўзбекистон туристик жозибадорлигини оширишга эришилган;

маҳаллий турагент тадбиркорлик фаолиятини туристик дестинациялар амалиётига киритиш орқали қўшимча туристик хизматларни диверсификациялаш асосида «саёҳат давомийлигини ошириш» методи бўйича асосланган таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 02-16/3028-сонли маълумотномаси). Маҳаллий турагент тоифасини жорий қилиш эвазига мамлакатнинг туристик салоҳиятли ҳудудларида яшайдиган икки минг нафар ёшларни иш билан таъминлаш ва қўшимча туристик хизматларни тижоратлаштириш имконияти яратилган;

туризм тизимининг расмий ([uzbekistan.travel](http://uzbekistan.travel), [uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz)), қисман расмий ([youtube.com/visituzbekistan](https://youtube.com/visituzbekistan)) ва норасмий (Facebook, Twitter, Youtube, Telegram, Intstagram) ахборот маконларидаги ҳолатни баҳолаш асосида, ижтимоий тармоқлардаги виртуал истеъмолчилар сонини кўпайтириш орқали Ўзбекистон туристик макро ахборот майдони жозибадорлигини ошириш стратегияларини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 02-16/3028-сонли маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш, туризм ахборот маконини такомиллаштириш ва рақобатбардошлигини оширишга эришилган;

туристик ҳудуд брендининг географик бирлик номи, лого ва слоган каби элементларни киритиш орқали брендларни кўлами, таркиби ва логотипнинг шаклига кўра тоифалаш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 02-16/3028-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ва Бухоро туристик рамзлари такомиллашган. Туристик брендларни ишлаб чиқиш, танлаб тасдиқлаш ва ҳудудий брендлар миллий рейтингини шакллантириш имконияти яратилган;

ташкил этилган, мустақил уюшган туристлар сегменти истеъмол қилишга мойил хизматларнинг замонавий турларини аниқлаган ҳолда, Ўзбекистонда 2030 йилгача эҳтиёж ошадиган ҳамда камаядиган қўшимча ва асосий туристик хизматлар прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон

«Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 02-16/3028-сонли маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон туризм соҳасини диверсификация қилиш ва глобал бозор тенденциялари асосида ривожлантириш, туристик оқимни рақамли маркетинг воситаларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини нашр этиш.** Диссертация мавзуси бўйича жами 56 та илмий иш, жумладан 2 та якка муаллифликда, 2 та ҳаммуаллифликда монография Ўзбекистонда ва 3 та жамоавий монография хорижда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 236 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, ишнинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Туристик ҳудудни барқарор ривожлантиришнинг методологик асослари**» деб номланиб, унда қиёсий ва рақобат устунликлари асосида туристик ҳудуд рақобатбардошлигига оид назарий билимларнинг шаклланиш босқичлари, Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси асосида Ўзбекистон туристик рақобатбардошлигини ошириш йўллари, туристик ҳудуд рақобатбардошлигининг институционал омили ва давлат томонидан бошқариш моделларининг қиёсий таҳлили ҳамда туризмни барқарор ривожлантириш концепциясини жорий қилишнинг уч тамойили тадқиқ қилинган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Охириги 20 йилда туристик ҳудудларнинг рақобатбардошлигини аниқлашнинг турли усуллари ишлаб чиқилган. Буларга, туристик ҳудудлар

рақобатбардошлигининг тўрт тамойили, яъни соҳани ривожлантириш учун қулай шароит, туризмнинг етакчи соҳа эканлиги, турли бозорларда кучли сотиш каналларининг мавжудлиги ҳамда тез суръатларда ўсаётган хусусий сектор киради.

Туристлик ҳудудларнинг халқаро рақобатбардошлигига оид барча илмий тадқиқотлар қиёсий ва рақобат устунликлари парадигмасига асосланади. Халқаро рақобатбардошлик муаммосининг назарий концепциясини ишлаб чиқиш мақсадида иқтисодий назария ҳамда менежментга оид манбаларда бир-биридан кескин фарқ қиладиган ёндашувлар илгари сурилади.

Туристлик ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш масаласи турли тадқиқотлар объекти бўлиб, уни ўрганиш жараёнида стратегик режалаштириш ва менежмент, туристик ҳудуд маркетинги, бозордан жой олиш (positioning), имиж ва брендинг, нарх рақобатбардошлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, барқарор ривожланиш концепцияси каби методологик ёндашувлар қўлланилган.

Назаримизда, туристик эҳтиёжлар турли хил бўлиб, саёҳат мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг қондирилиши 7М даражада амалга ошади ва рақобатбардошликнинг етти кўламини ўзида акс эттиради. Яъни, мамлакат туристик соҳасининг рақобатбардошлиги якка тартибдаги тадбиркор (гид, ҳунарманд, такси ҳайдовчиси)нинг **моно** кўламда, оилавий корхона мақомидаги миллий меҳмон қутиладиган уйнинг **мини** кўламда, умумий овқатланиш муассасаси, меҳмонхона ва туроператорларнинг **микро** кўламда, Туризм соҳасини бошқариш органининг минтақавий бўлимларининг **мета** ва **мезо** кўламда, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг **макро** кўламда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг **мега** кўламда фаолият юритишнинг сифатига боғлиқдир. Мамлакатнинг (макро) туристик рақобатбардошлиги, пастдан юқорига қараб 7М кўламда туризм соҳасидаги ҳар бир бўғинни изчиллик билан такомиллаштириш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзаро ҳамкорликда рақобатлашиш принципларига асосланган кластер шаклидаги бошқарув тизимини жорий қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланиш концепциясига хос тамойилларга асосланган ислохотларни амалга ошириш эвазига эришилади.

Бизнинг фикримизча, **туризмни барқарор ривожлантириш** – туристик ҳудудларда иқтисодий, ижтимоий ва экологик мувозанатни таъминлашга олиб келадиган, мос ишлаб чиқариш моделлари ва истеъмол маданиятини шакллантириш механизмларини жорий қилишдир.

Назаримизда, Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантиришни қуйидаги йўллар асосида амалга ошириш мумкин:

туризмни барқарор ривожлантиришни талаб ва таклиф уйғунлигида олиб бориш;

туризмни барқарор ривожлантиришни 7М (моно, мини, микро, мета, мезо, макро ва мега) кўламда жорий қилиш.

туризм тизимининг саёҳат эҳтиёжи туғиладиган, саёҳат амалга ошадиган ва ахборот маконларига мос дастурлар асосида амалга ошириш;

**Туризмни экологик жиҳатдан барқарор ривожлантиришнинг 3 йўлига асосланган ишлаб чиқариш ва истеъмол моделлари<sup>7</sup>**

7М кўламда жорий қилиш	Талаб ва таклиф уйғунлигида олиб бориш	
	Ишлаб чиқариш модели	Истеъмол модели
<b>Моно</b>	Экогид хизматини жорий қилиш	Экскурсияда пиёда юриш ва табиий тоза транспорт воситаларидан фойдаланиш
<b>Мини</b>	Экомиллий уй тоифасини киритиш	Экологик тоза энергиядан фойдаланиш ва табиатга зарар етказмайдиган жойлаштириш воситаларида яшаш
<b>Микро</b>	Экоресторан тоифасини киритиш	Фақат маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланган таомларни истеъмол қилиш
<b>Мега</b>	Экотуроператор тоифасини киритиш	Экологияга зарар етказмайдиган саёҳат маршрутларини танлаш
<b>Мезо</b>	Эко туристик ҳудудларни шакллантириш механизмларини жорий қилиш	Экологияни асраб-авайлаш, ривожланишнинг бош омили сифатида тан олинган шаҳарларга саёҳат қилишни афзал кўриш
<b>Макро</b>	Эко туристик мамлакатни шакллантириш механизмларини жорий қилиш	Экологияни асраб-авайлаш, ривожланишнинг бош омили сифатида тан олинган мамлакатларга саёҳат қилишни афзал кўриш
<b>Мега</b>	Бир нечта давлатларни қамраб олган мега эко лойиҳаларни қўллаб қувватлаш	Экологияни асраб-авайлаш, ривожланишнинг бош омили сифатида тан олинган бир нечта мамлакатдан иборат туристик йўналишларни танлаш (Буюк Ипак Йўли)
<b>3 маконга мос дастурлар асосида амалга ошириш</b>		
<b>Саёҳат эҳтиёжи туғиладиган макон</b>	Эко инициатив туроператорлар билан ҳамкорлик қилиш	Экотуристларни рағбатлантирувчи дастурларни яратиш
<b>Ахборот макони</b>	Эко фестиваллар, тадбирлар календарини яратиш, экологик тоза туристик маҳсулот ва хизматларга оид ахборот маконини шакллантириш	Экотранспорт, экомехмонхона, экоресторан, эко туристик ҳудудларга оид маълумотларни тарқатувчи рақамли воситалардан фойдаланишни рағбатлантириш
<b>Саёҳат амалга ошадиган макон</b>	Эко ресептив туроператорлар ва маҳаллий турагентлар таклиф тизимини шакллантириш	Экотуроператор ва турагент хизматларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш

Туризмни барқарор ривожлантиришнинг уч йўлига асосланган ишлаб чиқариш ва истеъмол моделларини 7М кўламда жорий қилиш имкониятларини тизимли равишда 1-жадвал орқали ифодаладик.

Туризмни барқарор ривожлантириш, биринчи йўл ташриф буюрувчиларнинг саёҳат давомида истеъмол қиладиган барча хизмат ва

<sup>7</sup>Муаллиф ишланмаси



товарларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жабҳаларини эътиборга олган ҳолда, иккинчи йўл, 7М кўламда ривожлантиришни кўзда тутиши лозим. Шунингдек, туризмни барқарор ривожлантиришнинг сўнгги йўли, туризм тизимининг саёҳат эҳтиёжи туғиладиган макондаги тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда саёҳат амалга ошадиган маконларда барқарор ривожланиш концепциясига асосланган тадбиркорлик моделлари ва истеъмол маданиятини тарғиб этувчи тадбирларни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг, барқарор ривожланаётган туристик ҳудуд имижини шакллантириб боришни назарда тутади.

Тадқиқот ишининг «**Туристтик ҳудуд рақобатбардошлигининг тизимли, геоиқтисодий ва маркетинг ёндашувлари**» деб номланган иккинчи бобида мамлакат доирасида туризм таклиф тизимининг уч маконли парадигмаси, туристик ҳудуд рақобатбардошлигига тизимли ва геоиқтисодий ёндашувлар ҳамда туристик ҳудуд рақобат турлари, 7М кўлами ва рақобатбардошлигининг дестинацион маркетинг ёндашуви тадқиқ қилинган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Иқтисодий, сиёсий ҳамда ахборотга оид глобализация ва интеграция туризм маконларининг ўзгаришига олиб келди. Жаҳон туризм соҳаси яхлитлашиб, унинг таркибига кирадиган мамлакатларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғланганлиги тобора ошиб бормоқда. Маълум мамлакатнинг реал туризм ва саёҳат рақобатбардошлигини баҳолаб, жозибадорлигини мунтазам ошириб боришнинг асосий шарти, унинг туризм таклиф тизимини саёҳат эҳтиёжи туғиладиган давлатлардаги вазият ҳамда тизимни ўраб турган ахборот маконлари билан яхлит ҳолда **тизимли таҳлил қилишни** талаб этади.

Туризм соҳасига тизимли-географик ёндашув асосида, унинг саёҳат эҳтиёжи туғиладиган ҳудуд, туристик ҳудуд (дестинация) ҳамда иккисини бирлаштирувчи транзит ҳудудлардан иборат модели кенг тарқалган бўлиб, туристлар, туризм саноати ҳамда географик элементлардан иборат тизим, сифатида қарашлар мавжуд. Туризм тизимининг мукамалроқ моделида туризм ҳудуди муҳити, сайёҳни вужудга келтирувчи бозор, тарғибот-ташвиқот ишлари мажмуи ҳамда транспорт ва коммуникациядан иборат тизим сифатида қаралган. Бинобарин, туризм - маълум муҳитда бирлашиб ҳаракатланадиган ва ишлайдиган элементлардан иборат, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик ва экологик омиллар таъсирида бўлган очик тизим бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, туризм соҳасига тизимли ёндашган барча маҳаллий ва халқаро тадқиқотчилар унинг қуйидаги 6 омилдан иборат эканлигини эътироф этадилар: 1) турист, 2) саёҳат эҳтиёжи туғиладиган ҳудуд, 3) саёҳат ҳудуди, 4) транзит ҳудуд, 5) туризм саноати, 6) тизим амал қиладиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, технологик, меъёрий-ҳуқуқий, экологик муҳит.

Туризмга тизимли ёндашувлар муаммонинг маълум жабҳасини ўрганишга қаратилган бўлиб, туризмнинг маконли кўламини англаш ва тушуниш учун унга географик, ижтимоий ва ишлаб чиқариш тизимлари сифатида қараш зарурати мавжуд.

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасини тизим сифатида тадқиқ этишда «макон» категорияси белгиловчи аҳамият касб этади. Туризм маконлари хилма-хиллигини эътироф этган ҳолда, қуйидаги асосий хусусиятлари ажратилади: гетероген (турли таркиблилик) ва комплекс (уйғун бирлашганлик), бошқа маконларга нисбаттан очиклик хусусияти, таркибий унсурларнинг яхлитлиги, амал қилишининг мавсумийлиги, ҳудудий жойлашувнинг иерархиклиги, жараёнларнинг ўзгарувчанлиги.

Назаримизда, туризм таклифи тизими кирувчи ва чиқувчи бирликлардан иборат ҳамда очик бўлгани учун ташқи муҳит, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, технологик, меъёрий-ҳуқуқий, экологик омиллар таъсирида бўлади (1-расмга қаранг). Унинг кириш қисмида моддий, инсоний, молиявий ва ахборотга оид ресурслар мавжуд бўлиб, ушбу хусусият барча тизимларга хосдир.



**1-расм. Туризм таклифи тизимининг 3 маконли ёндашуви<sup>8</sup>**

Туризм таклифи тизимининг кириш қисмида потенциал сайёҳнинг молиявий ресурслари ва саёҳат эҳтиёжларини қондиришда қатнашган барча моддий ва номоддий ресурслар мажмуи бўлса, чиқиш қисмида туристларнинг саёҳат таассуротлари, яъни саёҳат давомида истеъмол қилинган маҳсулот ва хизматлардан олинган турли ҳис-туйғулар мажмуи туради ҳамда саёҳат амалга оширилган ҳудуд имижининг шаклланишида белгиловчи аҳамият касб этади. Туризм таклифи тизимининг асосий функцияси - потенциал сайёҳларни ўзига жалб қилиб, уларнинг саёҳат эҳтиёжларини қондириб, ижобий ҳис-

<sup>8</sup>Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

туйғулар билан доимий яшаш жойига етказиб қўйишдир. Ушбу жараёнларни илмий тушуниш мақсадида туризм таклиф тизимини комплекс, турли географик худудлар нуктаи назаридан тизимли тадқиқ этиш заруратини туғдиради.

Мамлакат доирасида туризмни барқарор ривожлантиришнинг асосий шarti саёҳат эҳтиёжи туғиладиган ва саёҳат амалга ошадиган маконлар, шунингдек уларни уйғунлаштирувчи ахборот маконида вужудга келадиган жараёнларни англаш, такомиллаштириш йўллари илмий асослаш масаласини яна бир марта кўриб чиқишни тақозо этиб, тадқиқотда **мамлакат доирасида туризм соҳаси, 3 маконли тизимли ёндашув асосида** назарий жиҳатдан ўрганилган. Бизнинг фикримизча, **мамлакат доирасида туризм таклифи тизими** – саёҳат эҳтиёжи туғиладиган, ахборот ҳамда саёҳат амалга ошадиган маконлардан иборат очиқ тизим бўлиб, ҳар учала маконда халқаро кириш ва ички ташриф буюрувчиларнинг саёҳат эҳтиёжларини қондириш жараёнида қатнашадиган барча давлат ва хусусий ташкилотлар мажмуидир.

Тадқиқотлар натижасида, мамлакат доирасида туризм таклифи тизими, ушбу уч маконда истеъмолчи ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўртасида вужудга келадиган жараёнларга асосланади, деган хулосага келдик (1- ва 2-расмларга қаранг).



**2-расм. Барқарор рақобатбардош туризм таклифи тизимининг уч маконли парадигмаси<sup>9</sup>**

1. Саёҳат эҳтиёжи туғиладиган макон - саёҳатгача истеъмол қилинадиган куйидаги товар ва хизматларни қамраб олади:

туризм воситачилари (инициатив туроператор, турагентликлар, туризм худудларининг саёҳат эҳтиёжи туғиладиган бозорлардаги ваколатхоналари);

саёҳатгача истеъмол қилинадиган хизмат ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилари (транспорт компаниялари, визани расмийлаштириш

<sup>9</sup>Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

муассасалари, туризмга оид материал нашриётчилари, фотоаппарат, чемодан ва бошқа саёҳат даврида фойдаланиладиган маҳсулот ёки хизматлар).

2. Ахборот макони – саёҳат эҳтиёжи туғиладиган ва саёҳат амалга ошадиган маконларни уйғунлаштирувчи, мамлакат жозибадорлигини ўзида акс эттирган қуйидаги ахборот манбалари ва рақамли маркетинг воситаларини қамраб олади:

уюштирилган ва мустақил уюшган ташриф буюрувчилар талабларини қондиришга мўлжалланган ахборот технологиялари асосида шаклланган воситалар (инициатив ва ресептив туроператор, туристик агентликларнинг туристик пакетларни тижоратлаштириш каналлари, банд қилиш тизимлари, транспорт, меҳмонхона, овқатланиш, гид ва бошқа хизматларни сотиш ёки банд қилиш имконини берувчи ахборот технологиялари, геоахборот тизимлари);

мамлакат жозибадорлигини тарғиб қилиб, ижобий имижини шакллантирувчи стратегик маркетинга оид барча чора-тадбирлар мажмуи (брендинг, имижни шакллантириш, реклама, оммавий ахборот воситалари орқали етказиладиган барча маълумотлар йиғиндиси);

давлатнинг жорий қонунчилигидан хабардор қиладиган манбалар мажмуи (меъерий ҳужжатларнинг хорижий тиллардаги шаклларига эга бўлиш имконини берадиган ахборот воситалари (Lex.uz)).

3. Саёҳат амалга ошадиган макон – саёҳат эҳтиёжларини қондириш жараёнида қатнашадиган барча ташкилотлар етказиб берадиган маҳсулот ва хизматлар мажмуини ўзида акс эттириб, қуйидагича гуруҳланади:

туризм соҳасини ривожлантириш, тартибга солиш ва ҳамкорлик қилишга оид давлат ва хусусий ташкилотлар;

туризм воситачилари (ресептив туроператорлар);

саёҳат давомида истеъмол қилинадиган хизмат ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилари (транспорт компаниялари, жойлаштириш муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари, музей ҳамда экскурсия хизматларини етказувчилар, саёҳат давомида фойдаланиладиган бошқа маҳсулот ёки хизматлар).

Мамлакат доирасида туризмни барқарор ривожлантириш, бизнинг фикримизча, биринчидан уюштирилган сайёҳларни вужудга келтирувчи бозорлар билан ўрнатилган ҳамкорлик ришталари, яъни ресептив ҳамда инициатив туроператорнинг ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларидан, иккинчидан мустақил уюшган сайёҳлар назарида жуда муҳим воситалар, яъни банд қилиш тизимларининг мавжудлиги, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг геоахборот тизимлари базаларига киритилганлиги ва бошқа ахборот технологияларига асосланган маркетинг воситаларининг жорий қилинганлиги билан боғлиқдир.

Тадқиқот ишининг «Ўзбекистонда туристик оқимнинг шаклланиш моделлари ва туристик ҳудуд таклиф тизими рақобатбардошлигини ошириш йўллари» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда туристик оқимнинг шаклланиш моделлари ва тенденциялари, Ўзбекистон туризмини мустақил уюшган сайёҳлар сегментига мослаштириш йўллари ҳамда

7М кўламда рақобатбардош экскурсия хизматларининг илмий асослари каби масалалар тадқиқ этилган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Бизнинг фикримизча, рақамли воситаларнинг туризмга тобора кенг кириб келиши натижасида, туристик оқимнинг шаклланиш жараёнида туб ўзгаришлар рўй берди. Эмпирик кузатув ва илмий манбаларга асосланган тадқиқотлар натижасида, Ўзбекистон туризм бозорида, **талаб нуқтаи назаридан**, туристик оқим шаклланиши жараёнининг беш шаклини тақдим этдик.

**1. Инициатив туроператор модели.** Саёҳат, потенциал туристнинг доимий яшаш жойида фаолият кўрсатадиган инициатив туроператор билан у амалга ошадиган ҳудудда жойлашган ресептив туроператор ҳамкорлигида тўла уюштирилиб, меҳмонхона, транспорт, гид, ресторан ва бошқа хизматларни ўзига қамраб олган туристик пакет шаклида, ягона нархда сотилади. Интернет технологиялари унча ривожланмаган, инициатив туроператорларнинг ўз веб сайтлари бўлмаган даврда, туристик пакетни сотиб олиш учун мижозлар туристик агентликларга мурожаат қилишган бўлсалар, айти кунга келиб ушбу жараён воситачиларсиз амалга ошмоқда. Яъни, мижоз инициатив туроператорнинг электрон сотиш каналларидан фойдаланган ҳолда туристик пакетни харид қилишга эришмоқда.

**2. Ресептив туроператор модели.** Саёҳат, қабул қилувчи туристик ҳудудда фаолият кўрсатадиган ресептив туроператор томонидан тўла ёки қисман, масофавий уюштирилади ҳамда камида 3 та хизмат, масалан виза олишда кўмаклашиш, меҳмонхона, транспорт кабиларни туристик пакет шаклида ягона нархда сотишни кўзда тутади. Ушбу модель 21-асрда кескин оммалашиб, потенциал сайёҳлар доимий яшайдиган жойларда фаолият кўрсатувчи туроператор ёки туристик агентликларга мурожаат қилмаган ҳолда, тўғридан-тўғри ресептив (саёҳат амалга ошадиган ҳудуд) туроператор томонидан яратилган рақамли сотиш каналлари (веб сайт) орқали туристик пакетни харид қилишларини билдиради.

**3. Банд ва харид қилиш ахборот тизимлари модели.** 20-асрнинг иккинчи ярмида чегараланган кишилар гуруҳи (туроператор, туристик агентликлар, авиа ва темир йўл касса ходимлари) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган, турли транспорт воситаларига чипталарни сотиб олиш ва меҳмонхоналардаги хоналарни банд қилишнинг глобал (Global reservation systems), шунингдек туристик хизмат ишлаб чиқарувчиларининг шахсий электрон тизимлари шаклланиб, айти кунга келиб улар барча қўллаши мумкин бўлган, ихчам интерфейсга эга веб сайтлар ва мобиль иловалар шаклида кескин оммалашиб, туристик оқимни шакллантириш жараёнидаги кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Замонавий туристлар мамлакатимизга ўз саёҳатларини мустақил ташкил қилиб, авиа ва темир йўл чипталарини, йўл транспорти, меҳмонхона, ресторан ва гид хизматларини банд қилишнинг глобал тизимлари (booking.com, trivago.com, needguide.ru) ёки маҳаллий тизимлари, яъни туристик

хизматларни кўрсатувчи ташкилотларнинг шахсий веб сайтлари (eticket.uzrailway.uz, uzbooking.com) орқали сотиб олишга эришмоқдалар.

**4. Туристик портал модели.** Ушбу модель туристик ҳудудни дестинация сифатида бошқариш концепциясига асосланиб жорий қилинган миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги маркетинг бошқарув органлари томонидан яратилган туристик порталлар орқали туристик оқимни шакллантиришни назарда тутди. Туризм соҳасини турли даражада бошқариш жараёнида рақамли иқтисодиёт тамойилларига асосланган инновацион усулларни қўллаш, сайёҳларни жалб қилишда ички ресурсларга таяниш, соҳадан келадиган даромаднинг асосий қисмини миллий даражада ўзлаштиришга эришилиши, қўшилган қиймат занжирларининг барча бўғинларида туризм бозорининг маҳаллий субъектлари қатнашиши билан бошқаларидан фарқланади. Яъни, туризм ўта ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўз туристик салоҳиятларини миллий, минтақавий ёки маҳаллий даражадаги туристик порталлар ёрдамида тарғиб қилиб, улар орқали потенциал туристларга саёҳатни мустақил уюштириш имкониятини бермоқдалар.

**5. Маҳаллий турагент модели.** Саёҳатни мустақил уюштириб, маълум туристик жойларда узоқ муддат қолишни афзал кўрган ташриф буюрувчилар категорияси (қариндошлариникига келган меҳмонлар, шахсий уй-машиналарда келган оилалар, бир тарихий шаҳарда 3 кундан зиёд қолишга қарор қилган кишилар ва зиёратчилар) 3 соатдан 10 соатгача давом этадиган минипакетларни ташриф буюрган туристик ҳудудларида фаолият кўрсатадиган турагентлар орқали сотиб олишга мойил бўладилар. Ушбу хизмат тури Миср, Тайланд, Сингапур, Туркия, АҚШ ва бошқа туризм ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, улар «Дестинацион менежмент компания»лари деб аталади. Ушбу моделга биноан, мижозлар хоҳишига кўра одатда кўп давом этмайдиган туристик пакетлар сифатида саёҳат давомида сотиб олиниб, макро даражадаги туроператорлар томонидан таклиф этилмайдиган туристик йўналишлардир.

Айтиш жоизки, юқорида тилга олинган туристик оқимни шакллантирувчи беш модель амалда фаол бўлиб, биринчи ва иккинчи моделлар, таклиф нуқтаи назаридан, туристик оқимнинг уюштирилган сегментига мос келса, учинчи ва тўртинчи модель мустақил уюшган туристлар сегментининг эҳтиёжларини қондириб келмоқда. 5-модель эса ҳам воситачилар орқали туристик пакет харид қилган, ҳам мустақил уюшган туристлар сегментининг минипакетларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга мослашган. Бундан ташқари, дастлабки икки модель ўз ўрнини 3-4-5-га бўшатиб бериш тенденцияси кузатилаётган бўлиб, Ўзбекистон туризм таклифи тизимини сайёҳларнинг рақамли воситалардан кенг фойдаланувчи сегментларига мослашган, яъни банд қилиш тизимлари ва туристик порталлар орқали саёҳатини уюштирувчи, мустақил саёҳат қилувчи туристлар қатламига

мос инфратузилмани шакллантириш чораларини кўриш заруратини туғдирмоқда.

Рақамли воситаларнинг пайдо бўлиши туризмга сезиларли таъсир кўрсатди. Ушбу ҳолатни, саёҳатларини онлайн туристик агентликлари (online travel agencies), фойдаланувчи томонидан яратилган рақамли контентга (digitally user-generated content) ва бошқа рақамли воситаларга таяниб режалаштираётган саёҳатчиларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, 2014 йилда Европа Иттифоқи резидентлари томонидан амалга оширилган халқаро саёҳатчиларнинг 59%и жойлаштириш муассасаларини банд қилиш учун ҳамда 67%и авиа чипталарни харид қилиш учун рақамли воситалардан фойдаланишган<sup>10</sup>. Буюк Британияда жойлаштириш муассасаларини онлайн банд қилувчи туристлар сони 2007 йилдаги 42% дан 2017 йилда 52% гача ўсган. Жисмонан мавжуд туроператорлик корхоналарнинг кескин камайиши, фикримизга далил бўла олади. Шундай қилиб, АҚШда сайёҳлик агентликлари 2000 йилда 25975 та ташкилотдан 2016 йилга келиб 14797 гача камайган, шу билан бирга иш билан бандлик 183143 дан 108984 гача тушиб кетган<sup>11</sup>.

Бинобарин, туризмда рақамли платформалар тобора кўп туристлар томонидан ишлатилашини куйидаги статистик маълумотлардан ҳам англаш мумкин. Масалан, booking.com 190 мамлакатда фаолият юритиб, платформасида дунё бўйлаб 154000 туристик ҳудудларда жойлашган 29 миллион жойлаштириш муассасалари рўйхатдан ўтган.

Бундан ташқари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ўтказилган сўровномада фақат 12,8 % респондент (умумий сони 5756) Ўзбекистонга саёҳатни туристик пакет орқали амалга оширганларини билдиришган. Туроператорлар хизматидан фойдаланган ҳолда саёҳат қилганларнинг асосий қисми Европа мамлакатларидан (38,6 %) ва Осиё Тинч океани минтақасидан (38,3 %). Ўзбекистон бўйлаб туристик йўлланма асосида саёҳат қилувчиларнинг энг кам қисми, яъни 3,2 % МДХ ва 3,7 % Марказий Осиё фуқароларидир.

Ўзбекистоннинг халқаро очиқлик даражаси ошиши натижасида ханузгача эътибор берилмаётган йирик туристлар сегменти, яъни саёҳатини мустақил ташкил этадиганлар сони кескин ошиши муқаррар.

Ўзбекистоннинг жозибadorлигини мустақил ташриф буюрадиган туристлар назарида ошириш мақсадида куйидаги вазифаларни амалга ошириш бирламчи аҳамият касб этади:

1. Асосий хизматлар, яъни меҳмонхона, ресторан, авиа ҳамда темир йўл транспорти, диққатга сазовор жойларга кириш билетларини онлайн банд қилиш ёки харид қилиш тизимлари хизматидан кенг фойдаланиш имкониятини берадиган восита ва миллий тизимларини жорий қилиш ва мавжудларини такомиллаштириш зарур.

<sup>10</sup>[https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Statistics\\_on\\_ICT\\_use\\_in\\_tourism&oldid=2889](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Statistics_on_ICT_use_in_tourism&oldid=2889)

<sup>11</sup><https://catalog.data.gov/dataset/county-business-patterns>

2. Мустақил уюшадиган туристлар анъанавий гид хизматлари билан бирга инновацион гид хизматларидан фойдаланишга мойил бўлиб, аудио гид, музейдаги инфокиосклар, мобил иловалар орқали гид хизматига эга бўлишни ҳамда кенгайтирилган реаллик технологиялари асосида меъморий обидаларнинг тарихини ўрганишни афзал кўргани учун, ушбу хизматларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

3. Уюштирилган туристлардан фаркли равишда, мустақил уюшадиган туристлар йўл-йўлакай овқатланади; диққатга сазовор жойларда яқин турган кафе ва барлар хизматидан фойдаланишни хуш кўрганларини эътиборга олиб, айти турдаги умумий овқатланиш шаҳобчаларини (*фаст-фуд*) жорий қилиш тавсия этилади.

4. Шахсий, ижарага олинган транспортларда саёҳат қилинишини эътиборга олиб, туристик ҳудудларда автотураргоҳлар ва кемпинглар жорий қилиш зарурати туғилган.

5. Ҳамёнбоп жойлаштириш муассасалари хизматидан фойдаланишга мойил туристлар сони кескин ошиши натижасида, яқин келажакда миллий уй, хонадонларни ижарага олиш ва ҳостелларга эҳтиёж юқори бўлади ва шу турдаги хизматларни янада кўпайтиришни тақозо этади.

6. Мустақил саёҳат қилиш жараёнида туристик маълумотларга эга бўлиш белгилловчи аҳамият касб этиб, инфокиосклар, йўл кўрсаткичлар, геолокация тизимлари ва туризм полицияси хизматларидан кенг фойдаланишга эҳтиёж янада ўсиб боради.

Юқоридаги фикрлар ҳамда сайёҳларни вужудга келтирувчи асосий бозорлар (АҚШ, Германия, Швейцария, Франция, Италия, Буюк Британия)да фаолият олиб борадиган инициатив туроператорларнинг бозор тенденцияларини ўрганиш натижасида олинган эксперт хулосалари асосида Ўзбекистонда 2030 йилга қадар эҳтиёж ошадиган ва камаядиган туристик хизмат турлари прогнози ишлаб чиқилиб, 3-расмда ифодаланди.

Юқорида тилга олинган ҳолатлар бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига 57 мамлакат билан соддалаштирилган виза тартиби ҳамда 86 та давлат билан визасиз киришдан фойдаланиб келадиган мустақил уюшган туристлар назарида мамлакат жозибадорлигини оширишга ҳамда Ўзбекистон саёҳат ва туризм рақобатбардошлигининг юқори бўлишига эришилади.

Тадқиқот ишининг **«Туристтик ҳудуд ахборот макони рақобатбардошлигини аниқлаш усуллари ва такомиллаштириш йўллари»** деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон туристик макро ахборот маконини «рақамли иқтисодиётдаги номувофиқлик»дан холи қилиш стратегиялари, рақобатбардош туристик ҳудуд бренди ва имижининг илмий асослари, Ўзбекистон туризм ҳудуди бренди рақобатбардошлигини аниқлаш усуллари ва барқарор ривожлантириш йўллари каби масалалар тадқиқ этилган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.





**3-расм. 2030 йилгача Ўзбекистон шароитида эҳтиёж ошадиган ва камаядиган туристик хизмат турлари прогнози<sup>12</sup>**

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши туризмнинг маркетинг, сотиш каналлари ва саёҳатга оид хизматларни истеъмол қилиш жараёнида қўшилаётган қиймат занжирининг кескин ўзгаришларига олиб келди. Банд ва харид қилишнинг миллий тизимлари жорий этилмаган туристик ҳудудлар ўз хизматларини тарғибот қилиш ва сотиш жараёнида ташқи воситачиларга боғланиб қолиб, туризм томонидан яратилган қўшилган қийматнинг номуносив тақсимланишига сабаб бўлмоқда. Яъни, саёҳат эҳтиёжи туғилган ҳамда саёҳат маконлари ўртасида «рақамли иқтисодиётдаги нумовофиклик» тушунчаси мавжуд бўлиб, у қанча катта бўлса, сайёҳни вужудга келтирувчи бозорларни эгаллаш шунча мураккаб кечади. Замонавий рақамли асрда туризмни давлат миқёсида барқарор

<sup>12</sup>Тадқиқотлардан олинган хулосалар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

ривожлантиришнинг муҳим шарти, туризм таклифи тизими ахборот маконида «рақамли иқтисодиётдаги номувофиклик»дан холи бўлиш механизмларини жорий қилишни талаб этади.

Internet World Statsнинг 2020 йилнинг январь оyi маълумотларига кўра, жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар 4 млрд. кишини ташкил қилган бўлиб, шундан 2 млрд. 304 млн. Осиё аҳолисига тўғри келган. Айти манбага қараганда, Ўзбекистонда 2000 йилда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 7,5 минг кишини ташкил этган бўлса, 2020 йил январь ойида фойдаланувчилар сони 17,161 млн.ни ташкил қилиб, аҳоли умумий сонининг ярмидир. Интернетдан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар сонини аҳолига нисбатан 85-90% га кўтариш эвазига туристик ҳудудни барқарор ривожлантириш мумкин.

Ушбу гипотезани эконометрик моделларни қўллаган ҳолда асослаш мақсадида, 4-расмда келтирилган Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда интернет фойдаланувчиларининг аҳоли сонига нисбатан улуши ва хорижий сайёҳлар сонининг динамикаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга қарор қилдик. Омилнинг натижага таъсири 0 дан 1 ораликгача ҳисоблаганда 0,68 га тенг эканлиги маълум бўлди.


Натижа ва омил таъсирини тўғри чизиқли регрессия тенгламаси билан ифодалаб, эластиклик коэффициентини қуйидаги формула асосида аниқладик.

$$Э_{лас} = a_1 \frac{\bar{x}}{\bar{y}} = 95,0 \frac{35,9}{2680,4} = 1,27\%$$

Бу кўрсаткич мамлакатимизга қўшимча 1 млн. нафар хорижий турист келиши учун аҳолининг интернетдан фойдаланиш даражаси 1,27% га ошиши зарурлигини кўрсатмоқда. Интернет фойдаланувчилари ва хорижлик туристларнинг сони ўртасидаги боғлиқлик ва ўсиш прогнозлари 4-расмда ифодаланган.

Туристлик ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг яна бир омили, ҳудудларга оид маълумотларнинг макро даражадаги рақамли ахборот маконларда мавжудлигидир. Яъни, макро кўламда туристик ҳудудлар 3 турдаги рақамли воситалар орқали маркетинг фаолиятларини амалга оширишлари мумкин. Улар қуйидагилар:

**1. Расмий макро ахборот маконлари.** Туристлик ҳудудга оид маркетинг фаолиятларини олиб бориш жараёни тўла назоратга олинган расмий ахборот маконлари. Ушбу ахборот маконларига туристик ҳудудларнинг расмий веб сайтлари, ҳудудий ёки миллий туристик порталлар мисол бўлади. Ушбу ресурслар туристик ҳудудни бошқарадиган органлар, масалан туризмни бошқаришнинг миллий органи, томонидан тўла назорат қилиниб, веб саҳифалардаги маълумотлар ва ахборотлар шу орган мутасаддилари томонидан узлуксиз киритилиб, янгиланиб борилади ҳамда В2В (тадбиркор билан тадбиркорни боғловчи) ва В2С (тадбиркор билан истеъмолчини боғловчи) шаклларга эга бўлади;



**4-расм. 2010-2019 йилларда Интернет фойдаланувчиларининг аҳоли сонига нисбатан улуши ва хорижий сайёҳлар сонининг ўзаро боғлиқлиги<sup>13</sup>**

**2. Қисман расмий макро ахборот маконлари.** Қисман расмий рақамли воситаларга блоглар, ижтимоий тармоқлардаги (FaceBook, Twitter, LinkedIn) профил ва саҳифалар киради. Ижтимоий тармоқлар, катта аудиторияга эга бўлган “умумий мақсадли” ҳамда WikiTravel, GoogleTravel каби аниқ мақсадга эга бўлган “ихтисослашган”ларга ажратилади;


**3. Норасмий макро ахборот маконлари.** Ушбу ахборот макони энг муҳим ва кенг қамровли вазифани бажаради. Аслида туристик ҳудуднинг имижини айнан шу ахборот маконида шаклланади ҳамда самарали маркетинг фаолиятини йўлга қўйишда белгилловчи аҳамият касб этади. Норасмий ахборот маконлари блогларни, онлайн жамоаларни, ижтимоий тармоқларни, шунингдек маълумот, тавсия, таклиф, видео, фотосуратлар ва шунга ўхшаш контентни шакллантириш имконини берадиган барча веб сайтларни (Facebook, Twitter, Youtube, Flickr) қамраб олади.

Умуман олганда, туристик ҳудудни барқарор ривожлантиришнинг ушбу омили – ахборот маконининг ривожланганлик даражасини кўрсатиб, бизнинг фикримизча, мамлакатнинг туристик рақобатбардошлигига «**Туристик ҳудуд макро ахборот макон рақамли майдони**» асосида баҳо бериш мумкин.

Ўзбекистон туристик ахборот макони муҳитини аниқлаш мақсадида республиканинг расмий туристик веб сайтлари (uzbekistan.travel, uzbektourism.uz) таҳлил қилинди. Натижада учта бир-бирини ҳаракатга

<sup>13</sup>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

келтирувчи ғилдираклар шаклида ифодаланган Ўзбекистон Республикаси туристик макро ахборот макон рақамли майдони ишлаб чиқилди (5-расмга қаранг).



### 5-расм. Ўзбекистон Республикасининг туристик макро ахборот макон рақамли майдони<sup>14</sup>

Расмда норасмий ахборот макон сифатида Facebook, Twitter, Youtube, Telegram ва Instagram каби ижтимоий тармоқлар кўрсатилган бўлиб, айнан шу макон қолган расмий ва қисман расмий ахборот маконларини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон расмий ахборот макони унинг расмий веб сайтлари ([uzbekistan.travel](http://uzbekistan.travel), [uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz)) орқали намоён бўлади. Қисман расмий ахборот маконлари ([facebook.com/uzbekistan.tourism/](https://facebook.com/uzbekistan.tourism/), [youtube.com/visituzbekistan](https://youtube.com/visituzbekistan), [t.me/Uzbekistan\\_travel](https://t.me/Uzbekistan_travel), [instagram.com/uzb\\_travel](https://instagram.com/uzb_travel), [twitter.com/uzb\\_travel](https://twitter.com/uzb_travel)) эса, расмий сайтлардан ижтимоий тармоқлардаги саҳифа, бизнес профил ва каналларда ўз аксини топган бўлиб, расмий сайтлардан уларга боғланиш линклари мавжуд (2-жадвалга қаранг).

<sup>14</sup>Муаллиф ишланмаси

**Ўзбекистон Республикаси туристик макро ахборот макони матрицаси  
(31.05.2020 йил ҳолати)<sup>15</sup>**

Ўзбекистон	Расмий ахборот макони	Facebook	Twitter	You Tube	Telegram	Instagram
	uzbekistan.travel (ўзбек, рус, инглиз, немис, араб)	like (ёқади) босганлар сони 27729 обуначилар сони 29643	Ўқувчилар сони 128 киши	Обуначилар сони 603 кўришлар сони 74 878	Обуначилар сони 3432	Обуначилар сони 17500
Расмий ахборот макон		Линк мавжуд	Линк мавжуд	Линк мавжуд	Линк мавжуд	Линк мавжуд
<b>Facebook</b>	Линк мавжуд	-	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
<b>Twitter</b>	Линк мавжуд	Мавжуд эмас	-	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
<b>Youtube</b>	Линк мавжуд	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	-	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
<b>Telegram</b>	Линк мавжуд	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	-	Мавжуд эмас
<b>Instagram</b>	Линк мавжуд	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	

Туристтик ахборот маконларни таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси туристик макро ахборот макони матрицаси ишлаб чиқилди. 31.05.2020 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон туристик портали ўзбек, рус, инглиз, немис, араб тилларидаги версиялари мавжуд бўлиб, Facebook, Twitter, Youtube, Telegram ва Instagram (қисман расмий ахборот маконлари) ижтимоий тармоқларига веб саҳифадаги линклар орқали тўғридан-тўғри боғланган. Лекин, қисман расмий ахборот маконлар ўзаро боғланмаганлиги сабабли ижтимоий тармоқлардаги обуначилар, ўқувчилар, «лайк» босганлар ва кўришлар сони атиги 154 мингга ташкил этиб, туристик жиҳатдан катта потенциалга эга, ресурсларга бой мамлакат учун жуда паст кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, макро даражада туристик ахборот маконида рақобатга эришиш ва уни барқарор ривожлантириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

Ўзбекистон туристик порталнинг имконияти ва аудиториясини кескин ошириш мақсадида, унинг испан, итальян, япон ва хитой тилларидаги версиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

ижтимоий тармоқлардаги фаолликни ошириш баробарида, ижтимоий тармоқлараро интеграциялашув жараёнини тезлаштириш тавсия этилади;

<sup>15</sup>Тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар асосида муаллиф ишланмаси

обуначилар, ўқувчилар ва кўрувчилар сонини барқарор оширишга йўналтирилган тадбирларни (танлов, янгиланиб бориладиган саҳифалар, истеъмолчи шакллантира оладиган контент) узлуксиз амалга ошириш лозим.

Худди маҳсулот ва хизматлар каби туристик ҳудудлар ҳам ўз тижорат белгиси, яъни брендига эга бўлиши тобора глобаллашиб бораётган, бири-бирига ўхшаш саёҳат турларини таклиф қиладиган туристик жойларнинг кўпайиб бораётган айти тарихий даврда, жаҳон туризм бозоридан Ўзбекистоннинг ўз ўрнини топиш, уни бошқалардан фарқлаш имкониятини берадиган ўз туристик рамзини яратиб, уни бозорда қанчалик самарали тарғиб қила олиш, туризм соҳасини барқарор ривожлантиришга эришишда белгиловчи бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, амалда туристик ҳудуд бренди таркиб жиҳатдан қуйидаги элементлардан иборат:

**Логотип (Л)**– туристик ҳудудни бошқа жойлардан фарқловчи маълум белги, меъморий обида, табиат манзараси ёки ноёб ҳайвонларнинг тасвири, байроқдаги ранглар, давлат харитасининг контурлари, миллий, диний ёки тарихий рамз ва бошқалар;

**Туристик ҳудуднинг номи (ТХН)** - логотипга айлантирилган гибрид шаклида, туристик ҳудуд порталининг манзили шаклида;

**Туристик ҳудуднинг потенциал ташриф буюрувчига берадиган ваъдаси (С)** - илмий адабиётларда слоган, мото, шиор каби тушунчалар қўлланилади.

Айтиш жоизки, туристик ҳудудларнинг брендлари ягона стандарт асосида шаклланмайди. Икки юздан ортиқ макро ва мезо кўламдаги туристик ҳудуд рамзларини ўрганиш эвазига тўлақонли **Туристик ҳудуд бренди (ТХБ)** қуйидаги формула асосида тасвирланиши мумкин, деган хулосага келдик:

$$\text{ТХБ}=\text{Л}+\text{ТХН}+\text{С}$$

Ваҳолангки, амалда жорий этилган турли географик даражадаги туристик ҳудуд брендларининг барчаси ушбу формулага риоя этган ҳолда шаклланмаган. Икки юздан ортиқ туристик ҳудуд брендларини ўрганиш натижасида, уларни турли гуруҳлар асосида қуйидагича тоифалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**Худудий кўламига кўра:** қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят, давлат ва минтақаларнинг туристик бренди мавжуд;

**Бренд таркибига кўра:** Логотип + Туристик ҳудуд номи + Слоган (шиор), Логотип + Туристик ҳудуд порталининг веб манзили + Слоган (шиор), Логотипга айлантирилган туристик ҳудуд номи + Слоган (шиор); Логотипга айлантирилган туристик ҳудуд номи + Туристик ҳудуд порталининг веб манзили;

**Логотипнинг шаклига кўра:** мамлакатнинг туристик рамзи, меъморий обида, табиат манзараси, ҳайвон, мамлакат байроғидаги ранглар асосида шаклланган, давлат номи билан тасвирланган бўлиши мумкин.

Ички имижга туристик ҳудуд томонидан ташкил қилинган барча маркетинг фаолиятлари таъсир қилади, ташқи имиж эса – тарғибот-ташвиқот ишларининг натижасидир. Бизнинг фикримизча, тадқиқот натижасида таклиф этилган туризм таклифи тизимининг уч маконли парадигмасини туристик ҳудуд брендини шакллантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин. Туристлик ҳудуд брендининг ички ва ташқи имижи, ҳамда уларни уйғунлаштирувчи маркетинг фаолияти, яъни бозор ва истеъмолчи онгидан жой олиш жараёни 3 макондан иборат модель бўлиб ҳисобланади (6-расмга қаранг). Имиж саёҳат эҳтиёжи туғиладиган бозорда шакланса, бренд саёҳат амалга ошадиган маконда ишлаб чиқилади. Имиж ва брендни бир-бирига бирлаштирувчи жараён, яъни истеъмолчи онгидан жой олиш (позиционирование), слоган орқали эришилади. Шунинг учун, слоган ҳудудни тарғиб қилишда белгиловчи аҳамият касб этадиган категория бўлиб ҳисобланади.



**6- расм. Туристлик ҳудуд бренди шаклланишининг концептуал модели<sup>16</sup>**

Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизстон, Тожикистон ва Ўзбекистон миллий туризм брендларининг рақобатбардошлиги, тадқиқотчи томонидан таклиф қилинган туризм ҳудуди бренд таркибига кўра тоифалаш,

<sup>16</sup>Тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

туризм брендларининг слоган сифатини С.Пайк томонидан ишлаб чиқилган 7 даражали баҳолаш усуллари ёрдамида аниқланди ва Bloom Consulting халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинган ҳудудий брендлар рейтинги ва Ҳудуд бренди стратегиясига (ХБС) берилган баҳолар асосида ўзаро қиёсий таҳлил қилинди. Натижалар 3-жадвалда кўрсатилган.

### 3-жадвал

#### Яқин хорижий мамлакатлар миллий туризм брендларининг қиёсий таҳлили<sup>17</sup>

Мамлакат	Бренд таркибига кўра тоифалаш услубиёти (Ибрагимов Н.С.)	Слоган сифатини аниқлашнинг 7 даражали услубиёти (Пайк С.)	Bloom Consulting ҳудудий брендлар рейтинги		
			Осиё рейтинг (44)	Жаҳон рейтинг (180)	ХБС рейтинг
Арманистон	логотип + туристик ҳудуд номи + слоган (шиор)	<b>ЗБ-Даража</b> – кўп бошқа ҳудудларга ҳам хос бўлган таклиф;	35	121	BBB
Озарбайжон	логотип + туристик ҳудуд номи + слоган (шиор)	<b>ЗА-Даража</b> – хоҳлаган туристик ҳудудга мос келадиган таклиф	30	101	BB
Қирғизистон	логотип + туристик ҳудуд номи + слоган (шиор)	<b>ЗА-Даража</b> – хоҳлаган туристик ҳудудга мос келадиган таклиф	40	147	B
Қозоғистон	логотип + туристик ҳудуд номи + слоган (шиор)	<b>0-Даража</b> – слоганда аниқ таклиф мавжуд эмас	26	85	BB
Тожикистон	логотип + туристик ҳудуд номи + слоган (шиор)	<b>ЗБ-Даража</b> – кўп бошқа ҳудудларга ҳам хос бўлган таклиф	44	177	B
Ўзбекистон	логотип + туристик ҳудуд номи + слоган (шиор)	<b>ЗБ-Даража</b> – кўп бошқа ҳудудларга ҳам хос бўлган таклиф	-	-	-

Таҳлил натижаларига кўра, тадқиқ этилган барча миллий туризм брендлари таркибига кўра **логотип + туристик ҳудуд номи + слоган (шиор)** тоифасига мос келади. Яъни, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон миллий брендлари таркибига кўра тўла бир-бирига мос келади.

Слоган сифатини аниқлашнинг 7 даражали услубиётига кўра Арманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон слоганлари BBB даражага мос келиб,

<sup>17</sup>Муаллиф ишланмаси



слоган сифатида танланган ибора **кўп бошқа ҳудудларга ҳам хос бўлган таклиф**, деган хулосага келинди. Озарбайжон ва Қирғизистон бренди слоганидаги иборалар **ААА даражага** мос келиб, **хоҳлаган туристик ҳудудга мос келадиган таклиф**, эканлиги аниқланди. Фақат Қозоғистон миллий туризм бренди слогани 0-даражали сифатга эга бўлиб, **слоганда аниқ таклиф мавжуд эмас**, деб топилди.

Bloom Consulting халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинган ҳудуддий брендлар рейтингига кўра Арманистон Осиёнинг 44 та давлатлари орасида 35-ўрин ва жаҳон миқёсида 180 та давлат ичида 121-ўринда эканлиги маълум бўлди. Мос равишда, Озарбайжон 30- ва 101-ўрин, Қирғизистон 40- ва 147-ўрин, Қозоғистон 26- ва 85-ўрин, Тожикистон 44- ва 177-ўринлардан жой олганлар. **Ҳудуд бренди стратегиясига** берилган баҳоларга қараганда: Арманистон – «*жуда яхши*», Озарбайжон ва Қозоғистон - «*яхши*» ҳамда Тожикистон билан Қирғизистон – «*қисман яхши*» деб баҳоланган.

5 та кўшни давлатлар миллий туризм брендларини *бренд таркибига кўра тоифалаш*, *слоганда қўлланилган иборадаги таклиф сифатини* аниқлаш усуллари, *ҳудуд бренди стратегияси ва миллий брендлар рейтинги* натижалари бўйича ўзаро қиёсий таҳлил амалга оширилди. Ўзбекистон миллий брендининг рақобатбардошлигини барқарор ошириб бориш бўйича қуйидаги хулосалар қилинди ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Туризм ва спорт вазирлигининг веб сайти ([uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz)) орқали турли тилларда тарғиб қилинаётган слоган (*Symbol of the magic East, Символ магического Востока, Сехрли Шарқ рамзи*) С.Пайк услубиётига кўра ўрта сифатли ибора бўлиб, ўзида аниқ таклифни мужассамлаштирмасдан, Ўзбекистонга нисбатан берилган таърифга ўхшаб, креатив ваъда мавжуд эмас. «**Шарқ**» сўзи потенциал туристни чалғитиб, географик жиҳатдан жуда кенг кўламли қамраб олувчи маънони беради. Яъни, миллий бренд слоганида қўлланилган «шарқ» сўзи потенциал ташриф буюрувчида Ўзбекистоннинг дунё харитасидаги ўрнини хаёлан тасаввур қилиш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз слоганида «**Ипак йўли чорраҳаси**» (Silk crossroad, перекресток Шёлкового пути) иборасини қўллаш орқали Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг асосий чорраҳалари жойлашган географик ҳудуд эканлигига ишора қилган бўламиз;

2. Аслида слоган шунчаки мамлакатнинг географик жойлашуви, хусусияти ва рақобат устунликларини ифодалайдиган сўзлар бирикмаси эмас, балки бозор ва истеъмолчи онгидан жой олиш (позиционирование) стратегиясини амалга ошириш мақсадида потенциал сайёҳ, инвестор ва бошқаларга бермоқчи бўлган, мамлакатнинг кафолати ҳисобланади. Яъни, юқорида таклиф қилинган «Ипак Йўли чорраҳаси» сўз бирикмасига «илҳомланиш» сўзини қўшиш эвазига Ўзбекистон миллий туризм брендининг янги слоганини, ўзбек тилида «**илҳомлантирувчи Ипак Йўли чорраҳаси**», инглиз тилида «**Inspiring Silk crossroad**» ва рус тилида «**Вдохновляющий перекресток Шёлкового пути**» каби ибораларни қўллаш тавсия этилади (7-расмга қаранг);



**7-расм. Ўзбекистон Республикасининг туристик бренди<sup>18</sup>**

3. Ўзбекистонни дунё аҳолиси назарида «Буюк Ипак йўлидаги чорраҳада жойлашган мамлакат ва у ерга саёҳат қилиш, ижодкорларга ижод, олимларга янги ғоялар, новаторларга ихтиролар, санъат аҳлига янги асарлар, депрессив ҳолатдаги инсонларда яшашга бўлган қизиқишнинг пайдо бўлишига олиб келишни» кафолатлаб, маърифат ўчоғи эканлигига ишора қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини айти шу стратегик бренд хеш тегларига (#) асосланиб, комплекс амалга ошириш эвазига туризмнинг барқарор ривожланишига эришилади.

## ХУЛОСА

Туристтик ҳудуд барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий асосларини белгилаш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Туристтик ҳудудларнинг иерархик типологияси мавжудлиги аниқланиб, уларни 1) моно (якка тадбиркор томонидан яратилган туристик хизмат/маҳсулот), 2) мини (оилавий корхона томонидан яратилган туристик хизмат/маҳсулот), 3) микро (масъулияти чекланган жамият томонидан яратилган туристик хизмат/маҳсулот), 4) мета (шаҳар кўламидаги туристик ҳудуд), 5) мезо (саёҳат амалга ошириладиган минтақа), 6) макро (саёҳат амалга ошириладиган мамлакат) ва 7) мега (саёҳат амалга ошириладиган бир нечта давлат) кўламларга ажратиш натижасида, туристик ҳудуд рақобатбардошлигининг 7М концепцияси илмий асосланди.

2. Туризмни барқарор ривожлантириш – туристик ҳудудларда иқтисодий, ижтимоий ва экологик мувозанатни таъминлашга олиб келадиган, мос ишлаб чиқариш моделлари ва истеъмол маданиятини шакллантириш механизмларини жорий қилишдир. Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш концепциясини 1) талаб ва таклиф уйғунлигида олиб бориш, 2) 7М (моно, мини, микро, мета, мезо, макро ва мега) кўламда жорий қилиш ҳамда 3) туризм тизимининг саёҳат эҳтиёжи туғиладиган, саёҳат амалга ошадиган ва ахборот маконларига мос дастурлар асосида олбиб бориш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

<sup>18</sup>Муаллиф ишланмаси

3. Мамлакатнинг (макро) туристик барқарор рақобатбардошлигига, пастдан юқорига қараб 7М кўламда туризм соҳасидаги ҳар бир бўғинни изчиллик билан такомиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш, ўзаро ҳамкорликда рақобатлашиш принципларига асосланган бошқарув тизимини жорий қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланиш концепциясига хос тамойилларга асосланган ислоҳотларни амалга ошириш стратегиялари ишлаб чиқилди.

4. Мамлакат доирасида туризм таклифи тизими – саёҳат эҳтиёжи туғиладиган, ахборот ҳамда саёҳат амалга ошадиган маконлардан иборат очик тизим бўлиб, ҳар учала маконда халқаро кириш ва ички ташриф буюрувчиларнинг саёҳат эҳтиёжларини қондириш жараёнида қатнашадиган барча давлат ва хусусий ташкилотлар мажмуидир. Туризм соҳасининг ушбу парадигмаси асосида Ўзбекистон макро ахборот маконининг майдони аниқланди ва барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

5. Мамлакат доирасида туризмни барқарор ривожлантириш, биринчидан уюштирилган сайёҳларни вужудга келтирувчи бозорлар билан ўрнатилган ҳамкорлик ришталари, яъни ресептив ҳамда инициатив туроператорнинг ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларидан, иккинчидан мустақил уюшган сайёҳлар назарида жуда муҳим воситалар, яъни банд ва харид қилиш рақамли тизимларининг мавжудлиги, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг геоахборот тизимлари базаларига киритилганлиги ва бошқа рақамли технологияларга асосланган маркетинг воситаларининг жорий қилинганлиги билан боғлиқдир. Яъни, саёҳат эҳтиёжи туғиладиган ҳамда саёҳат маконлари ўртасида «рақамли иқтисодиёт номувофиқлиги» тушунчаси мавжуд бўлиб, у қанча катта бўлса, биринчидан, сайёҳни вужудга келтирувчи бозорларни эгаллаш шунча мураккаб кечиши, иккинчидан, қўшилган қийматлар занжири номутаносиб тақсимланишига олиб келиши аниқланиб, рақамли иқтисодиётдаги тафовутдан холи бўлишнинг устувор йўналишлари аниқланди.

6. Мамлакатнинг макро кўламдаги ахборот макони 1) расмий макро ахборот маконлари, 2) қисман расмий макро ахборот маконлари ҳамда 3) норасмий макро ахборот маконларидан иборат. Норасмий ахборот маконга Facebook, Twitter, YouTube, Telegram ва Instagram каби ижтимоий тармоқлар киради ва айнан шу макон қолган расмий ва қисман расмий ахборот маконларини ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб ҳисобланиши, илмий жиҳатдан асосланди.

7. Ўзбекистон томон келадиган туристик оқимни шакллантирувчи 1) инициатив туроператор, 2) ресептив туроператор, 3) банд ва харид қилиш рақамли тизимлари, 4) миллий ва маҳаллий туристик порталлар ҳамда 5) маҳаллий туристик агент моделлари амалда фаол бўлиб, биринчи ва иккинчи моделлар, таклиф нуктаи назаридан, туристик оқимнинг уюштирилган сегментига мос келса, учинчи ва тўртинчи модель мустақил уюшган сайёҳлар сегментининг эҳтиёжларини қондириб келмоқда. 5-модель эса ҳам воситачилар орқали туристик пакет харид қилган, ҳам мустақил

уюшган сайёҳлар сегментининг минипакетларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга мослашган. Бундан ташқари, биринчи иккита модель ўз ўрнини 3-4-5-га бўшатиб бериш тенденцияси кузатилаётган бўлиб, Ўзбекистон туризм таклифи тизимини инновацион сегментларга мослашган, яъни банд қилиш тизимлари ва туристик порталлар орқали саёҳатини уюштирувчи, мустақил саёҳат қилувчи туристлар қатламига мос инфратузилмани шакллантириш чораларини кўриш заруратидан келиб чиққан ҳолда, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Туристтик ҳудуд брендини яратиш жараёни уч қисмдан иборат бўлиб, талаб томонидан ташқи имижни ва таклиф томонидан ички имижни бирлаштирувчи бозор ва истеъмолчи онгидан жой олиш маркетинг фаолияти натижасида шаклланади. Туристтик ҳудуд брендларини ҳудудий кўлами, бренд таркиби ва логотипнинг шаклига кўра тоифалаш методологияси ва туристик ҳудуд бренди формуласи ишлаб чиқилди.

9. Мамлакатларнинг туристик бренди рақобатбардошлигини аниқлашда бренд таркибига кўра тоифалаш методологияси, слоганда қўлланилган иборадаги таклиф сифатини аниқлаш усуллари ҳамда ҳудуд бренди стратегияси ва миллий брендлар рейтинги натижаларини бирлаштирган ҳолда 5 та кўшни мамлакатлар ўзаро қиёсий таҳлили асосида, Ўзбекистонни дунё аҳолиси назарида «Буюк Ипак йўлидаги чорраҳада жойлашган мамлакат ва у ерга саёҳат қилиш, ижодкорларга ижод, олимларга янги ғоялар, новаторларга ихтиролар, санъат аҳлига янги асарлар, депрессив ҳолатдаги инсонларда яшашга бўлган қизиқишнинг пайдо бўлишига олиб келишини» кафолатлаб, маърифат ўчоғи эканлигига ишора қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини айна шу стратегик бренд хеш тегларига (#) асосланиб, комплекс амалга ошириш тавсия этилди.

Юқорида келтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантириш эвазига туристик ҳудудларнинг барқарор рақобатбардошлигига эришиш учун хизмат қилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**Ибрагимов Нутфилло Салимович**

**НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ДОСТИЖЕНИЯ УСТОЙЧИВОЙ  
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКОГО РЕГИОНА**

**08.00.17 – Туризм и гостиничная деятельность**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора экономических наук (DSc)**

**Самарканд – 2021**

Тема докторской диссертации (DSc) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.DSc/Iqt176.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sics.uz) и информационно-образовательного портала «Ziynet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Бахтиёр Негматович Навруз-Зода**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Тухлиев Искандар Суёнович**  
доктор экономических наук, профессор

**Сафаров Баходирхон Шахриёрович**  
доктор экономических наук, профессор

**Алиева Махбуба Тойчиевна**  
доктор экономических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Урганчский государственный университет**

Защита диссертации состоится « 3 » XII 2021 года в 14:30 ч. на заседании разового научного совета на базе научного совета DSc.03/30.12.2019.I.18.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском институте экономики и сервиса. Адрес: 140100, г.Самарканд, ул. Амира Темура, дом 9. Тел./факс: (998 66) 233-19-84, (998 66) 231-12-53, e-mail: sics\_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института экономики и сервиса (регистрационный № 037). Адрес: 140100, г. Самарканд, ул. Амира Темура, дом 9. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sics\_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан « 19 » 2021 года

(протокол реестра № 9 от « 19 » 2021 года)



**М.Э. Пулатов**

Президент разового научного совета на базе научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**Н.Э.Ибадуллаев**

Ученый секретарь разового научного совета на базе научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент

**М.М.Мухаммедов**

Председатель научного семинара при разовом научном совете на базе научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

## **Введение (аннотация докторской диссертации (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В то время, когда индустрия туризма становится одним из важнейших секторов экономики в мире, а туристические районы мезо- и макроуровня находятся в высоко конкурентной среде, вопрос достижения устойчивой конкурентоспособности приобретает первостепенное значение. В частности, развитие цифровой экономики ведет к устойчивой конкурентоспособности туристического региона и к росту его экономических показателей. По итогам 2019 года «туристические услуги составили 10,3% мирового ВВП, достигнув 8,9 трлн. долларов, а прямая и косвенная занятость сектора составила 330 млн. человек, каждая десятая работа была связана с туризмом»<sup>1</sup>. Поэтому достижение конкурентоспособности туристической дестинации сохраняя социальной, экономической и экологической устойчивости на глобальном уровне является приоритетом и требует совершенствования методологии управления туристическими дестинациями на основе концепции устойчивого развития.

В условиях глобализации в целях обеспечения устойчивой конкурентоспособности туристических регионов основанный на социальном, экономическом и экологическом развитии проводятся ряд научных исследований направленных повышению благосостояния городского и сельского населения с туристическим потенциалом за счет занятости. В связи с этим проведение исследований по расширению теоретических знаний о конкурентоспособности туристической дестинации на основе сравнительных и конкурентных преимуществ, совершенствование управления туризмом основанный на пространстве генерирующий туристов, дестинации и информационного пространства, по увеличению доли производственно-сбытовой цепочки в производстве туристических продуктов на основе цифровых систем бронирования, внедряемых местными туристическими организациями, диверсификация туристических услуг за счет внедрения инновационных инструментов (местный турагент, виртуальный гид, дополненная реальность) формирующих поток туризма, по совершенствованию методологии классификации бренда туристической дестинации на основе таких элементов как слоган, логотип и названия туристического места являются приоритетными.

В новом Узбекистане уделяется особое внимание стремительному развитию туризма как стратегической отрасли экономики. В частности, в Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. определены как важные направления «ускоренное развитие индустрии туризма, увеличение её роли и доли в экономике, диверсификация и повышение качества туристических услуг, расширение туристической

---

<sup>1</sup> [https://wtcc.org/Research/Economic-Impact\(EIR\\_2020\\_Data\\_Tables\\_Top\\_20\\_Final.pdf\)](https://wtcc.org/Research/Economic-Impact(EIR_2020_Data_Tables_Top_20_Final.pdf))

инфраструктуры»<sup>2</sup>. Эффективное выполнение этих задач требует разработку методологии достижения конкурентоспособности на основе устойчивого развития туристических дестинаций, научного обоснования функциональных, смежных и межпроизводственных видов конкуренции в туризме, обоснования способов увеличения доли добавленной стоимости в сфере туризма создаваемой на местном уровне, широкое использование инструментов цифрового маркетинга для расширения масштаба виртуальных потребителей в официальных, частично формальных и неформальных информационных пространствах, развития брендов туристических зон на местном, национальном и глобальном уровнях и совершенствование методологии их классификации на основе масштаба, формы логотипа и названия географического места.

Эта диссертация в определенной степени служит для выполнения задач, поставленных в таких указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан как № УП-4861 от 2 декабря 2016 года «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли в Республике Узбекистан», № УП-5326 от 3 февраля 2018 года «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристического потенциала Республики Узбекистан», № УП-5611 от 5 января 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан», № УП-5781 от 13 августа 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию туризма в Республике Узбекистан», № УП-6002 от 28 мая 2020 года «О неотложных мерах по поддержке туристической отрасли для снижения негативного воздействия пандемии коронавируса», а также № ПП-2980 от 19 мая 2017 года «О мерах по ускорению развития туристического потенциала Бухары и Бухарской области в 2017-2019 годах», и в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года № 433 «О мерах по созданию благоприятных условий для восстановления и развития туризма в Республике Узбекистан».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор международных научных исследований по теме диссертации<sup>3</sup>.** Исследования по теории устойчивой конкурентоспособности туристической

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон. 70-модда.

<sup>3</sup>Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации проведен на основе данных веб-страниц University of Melbourne (Австралия), The University of Calgary (Канада), World Tourism Education and Research Centre, School of Leisure and Food Management Sheffield Hallam University (Великобритания), International Centre for Tourism and Hospitality Research, Bournemouth University (Великобритания), Queensland University of Technology (Австралия), Korea Development Institute (Южная Корея), Bocconi University (Италия), Università di Trento (Италия), Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова (Москва, Россия), Ташкентский государственный экономический университет, Самаркандский государственный университет,



дестинации проводятся в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях, включая University of Melbourne (Австралия), The University of Calgary, World Tourism Education and Research Centre (Канада), School of Leisure and Food Management Sheffield Hallam University (Великобритания), International Centre for Tourism and Hospitality Research, Bournemouth University (Великобритания), Queensland University of Technology (Австралия), Korea Development Institute (Южная Корея), Bocconi University (Италия), Università di Trento (Италия), МГУ им. М. В. Ломоносова (Москва), Ташкентский государственный экономический университет, Самаркандский государственный университет, Международный университет туризма «Шелковый путь» и Самаркандский институт экономики и сервиса (Республика Узбекистан).

В ходе исследований научных основ вопроса достижения устойчивой конкурентоспособности туристических дестинаций были получены следующие научные результаты: модель конкурентоспособности и устойчивости туристической зоны разработана на основе подхода сравнительных и конкурентных преимуществ (The University of Calgary, Канада); разработана модель туристического портала управления дестинациями и 2QCV2Q методика оценки их качества (Università di Trento, Италия); обоснованы закономерности достижения конкурентоспособности через социальное, экономическое, экологическое и институциональное развитие на основе концепции устойчивого развития туризма (University of Melbourne, Австралия); разработана концепция «несовместимости в цифровой экономике» и обосновано ее влияние на устойчивое развитие туристской дестинации (Bournemouth University, Великобритания); была разработана теория сетей и было изучено ее влияние на конкурентоспособность туристической дестинации (Bocconi University, Италия); обоснована гармоничность экономических, социопсихологических, демографических и экологических аспектов удовлетворения потребностей туристов (Korea Development Institute, Южная Корея); разработаны маркетинговая стратегия управления туристической отраслью в условиях глобализации, определены экономические аспекты управления туристическими услугами в условиях либерализации экономики и разработаны организационно-экономические механизмы развития регионального туристического рынка (Самаркандский институт экономики и сервиса, Самаркандский государственный университет, Ташкентский государственный экономический университет – Республика Узбекистан).

На научной основе для достижения устойчивой конкурентоспособности туристического региона проводится ряд исследований по следующим направлениям. К ним относятся: улучшение маркетинговой стратегии управления туризмом в условиях глобализации; улучшение туристической инфраструктуры; разработка маркетинговых стратегий по привлечению

---

Международный университет туризма «Шелковый путь», Самаркандский институт экономики и сервиса (Узбекистан) и других источников.

туристов; внедрение классификаций мирового уровня для стандартизации и повышения качества туристических услуг; совершенствование методологии повышения эффективности туристических услуг в регионах с использованием современных процессов в туристической отрасли; эффективное использование инновационных маркетинговых стратегий.

**Степень изученности проблемы.** Такие вопросы, как конкурентоспособность туристических дестинаций, теории устойчивого роста и конкуренции в туризме, системный подход к развитию туризма, сравнительные и конкурентные преимущества туристических регионов, охрана окружающей среды, цены, роль местного населения в развитии туризма, широко изучались зарубежными учеными. Среди них можно выделить: V. Della Corte, U.Martini, M.Franch, G.Crouch, M.Porter, S.Hassan, L.Dweyer, Ch.Kim, E.Azzopardi, D.Gomezelj, V.Bramvel, T.Mihalic<sup>4</sup>.

Теоретико-методологические аспекты проблемы конкурентоспособности туристической зоны в Содружестве Независимых Государств (СНГ) детально изучены такими учеными, как Н.С.Морозова, В.С.Сенин, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, В.А. Квартальнов, Ю.Ф.Волков. В этих исследованиях ученые широко изучали социальные, экономические и экологические факторы устойчивого развития, достигая конкурентоспособности туристической дестинации на основе геоэкономических и поляризационных теорий<sup>5</sup>.

Среди ученых Узбекистана можно выделить таких учёных как: М.Э.Пулатов, М.К.Пардаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Н.Тухлиев, Д.Х.Асланова, Б.Н.Навруз-Зода, Д.К.Усманова, А.Норчаев, Б.Х.Тураев, О.Х.Хамидов, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, А.А.Эштаев, М.Т.Алиева научно-исследовательские работы<sup>6</sup>, которых посвящены вопросам социально-экономического развития туристических регионов.

---

<sup>4</sup>Valentina Della Corte, Mauro Scierelli, Destination management e logica sistemica: un confronto internazionale. G.Giapichelli Editore – Torino, 2012. 215 pp.; Martini, Umberto. Management dei sistemi territoriali: Gestione e marketing delle destinazioni Turistiche. Vol. 27. G Giapichelli Editore, 2015.; Franch, Mariangela, et al. «4L tourism (landscape, leisure, learning and limit): responding to new motivations and expectations of tourists to improve the competitiveness of Alpine destinations in a sustainable way» Tourism review 63.1 (2008): 4-14 pp.; Crouch G. I., Ritchie J. R. B. Tourism, competitiveness, and societal prosperity //Journal of business research. – 1999. – Т. 44. – №. 3. 137-152 pp.; Porter, Michael. The competitive advantage of nations, Macmillan: London. -1990. 250 pp.; Hassan, Salah. “Determinants of Market Competitiveness in an Environmentally Sustainable Tourism Industry” Journal of Travel Research, 38 (February): (2000) 239-245 pp.; Dwyer, Larry, and Chulwon Kim. “Destination Competitiveness: determinants and indicators” Current Issues in Tourism, (2003) 6 (5): 369-414 pp.; Azzopardi, E., 2011. The international competitiveness of Malta as a tourist destination. Дисс.; Doris Gomezelj Omerzel, Competitiveness of Slovenia as a Tourist Destination. Managing Global Transitions 4 (2): 2006, 167–189 pp.; Bramwell B., Lane B. Critical research on the governance of tourism and sustainability // Journal of Sustainable Tourism. 2011. № 19(4/5). 411–421 pp.; Mihalic, T., 2000. Environmental management of a tourist destination: a factor of tourism competitiveness. Tourism Management, 21(1), 65-78 pp.

<sup>5</sup>Морозова Н.С.Теория и методология формирования и развития конкуренции в туризме // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - Сочи 2012, 46 с.; Сенин В.С. Организация международного туризма // М.: «Финансы и статистика» 2004, - 379 с.; Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма // М.:2005. 151 с.; Квартальнов В.А. Туризм: // - М.: Финансы и статистика, - 2003. 320 с.; Квартальнов В.А. Туризм: теория и практика: Избранные труды: В 5ти. т. // - М.: Финансы и статистика, 1998; Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса // Изд. 2-е.- Ростов н/Д.: Феникс, - 2005. 380 с.

<sup>6</sup> Пулатов М.Э. ва бошқалар. Глобал иктисодий ривожланиш (туризм иктисодиёти) //Ўқув қўлланма.Т.: Фан ва технология, - 2018. 296 б.; Қудратов Ғ.Х., Ҳошимов М. Буёқ Ипак йўлида туристик сервисни амалга ошириш масаллари // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва

